



Пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган яҳуд ва насороларга Аллоҳ-нинг лаънати бўлсин

Ойша ва Абдуллох Ибн Аббос разияллоху анхумолардан ривоят қилинади: Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам вафот этишлари-дан олдинги касаллик пайтларида кийимларини юзларига ташлаб олар эдилар, агар ундан сиқилиб кетсалар юзларидан олиб ташлар эдилар. Шу ҳолатда ётганларида: «Пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган яҳуд ва насороларга Аллоҳ-нинг лаънати бўлсин» дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Ойша ва Ибн Аббос разияллоху анхумолар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам вафот этишларидан олдинги ҳолатларини хабар бердилар. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам бир парча матони юзларига ташлаб олар, ўлим талвасасидан нафас олиш қийинлашса юзларидан олиб ташлар эдилар. Шундай қийин ҳолатда шундай дедилар: Аллоҳ яҳуд ва насороларни лаънат қилсин, уларни Ўзининг раҳматидан маҳрум этсин. Чунки улар пайғамбарларининг қабри устига масжид қуриб олган эдилар. Агар бу иш жуда хатарли бўлмаганда эди шу қийин ҳолатда зикр қилмаган бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоху алайҳи ва саллам умматларини шунга ўхшаш иш қилишдан қайтардилар. Чунки, у яҳуд ва насороларнинг йўли, у Аллох азза ва жаллага ширкка олиб борувчи амал.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3330>

